



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

12 апрель кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Афғонистонга қўшни мамлакатлар ташқи сиёсий идоралари раҳбарларининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, ташқи ишлар вазири Цинь Ганни қабул қилди.



Ўзбекистон — Хитой ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Дастлаб ташқи ишлар вазири Цинь Ган давлатимиз раҳбарига ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва энг згу тилакларини етказди.

Учрашув давомида сиёсий ирода ва прагматик ташқи сиёсатни амалга оширишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда товар айирбошлаш икки баробар, қўшма корхона ва лойиҳалар сони уч баробар кўлайди, Хитойдан 11 миллиард долларлик инвестициялар жалб қилинди. Пандемиядан сўнг мунтазам авиақатновлар тиклангач, ҳудудлараро алоқалар, таълим ва маданий-гуманитар алмашинувлар фаоллашди.

Ўзбекистон етакчиси Хитойга бўлажак давлат ташрифи ва “Марказий Осиё — ХХР” саммитига пухта тайёргарлик кўриш муҳимлигини таъкидлади.

Халқаро ва минтақавий кун тартибид

даги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Бугунги кунда техник ҳужжатлари тайёрланаётган “Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой” темир йўлини қуриш лойиҳасини тез фурсатда амалга ошириш аҳамияти қайд этилди.

Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш ва ушбу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига амалий кўмаклашши борасидаги яқиндан мувофиқлашувни давом эттириш зарурлиги алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ БИЛАН САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР БОРЛИГИНИ ҚАЙД ЭТДИ



Амалий ҳамкорликни кенгайтириш, кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш, инновациялар ва илгор технологияларни жорий қилиш масалалари ҳамда Ўзбекистон — Туркия кенг кўламли стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашнинг бошқа жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 апрель кuni Туркия Республикаси саноат ва технологиялар вазири Мустафо Варанк бошчилигидаги делегация билан ўтказган учрашув кун тартибидан ўрин олди.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг топшириғига биноан мамлакатимизга келган делегация ташрифининг мақсади — “Togg” бренди остида ишлаб чиқарилган биринчи миллий электромобилни намойиш этиш ва топшириш.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама ҳамкорликда бугунги жадал суръатни, барча даражаларда ўзаро мулоқот ва алмашинувлар фаоллашганини алоҳида мамнуният билан қайд этди.

Бунга мисол тариқасида товар айирбошлаш ҳажми барқарор ошиб бораётгани, устувор тармоқларда бир қатор йирик инвестиция лойиҳалари бирга қилди

амалга оширилаётгани, мамлакатларимиз ўртасида мунтазам авиақатновлар кўпайгани таъкидланди.

Туркиянинг етакчи компанияларини қўшма, шу жумладан, автомобиль саноатидаги лойиҳаларни амалга оширишга жалб қилиш орқали саноат кооперациясини ривожлантириш учун кенг имкониятлар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Олий даражадаги Стратегик шериклик кенгашининг навбатдаги йиғилишига пухта тайёргарлик кўриш, жумладан, истиқболли лойиҳалар портфелини шакллантириш ва узоқ муддатли саноат дастурини қабул қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида “Togg” электромобилининг тақдими бўлиб ўтди. Вазир Мустафо Варанк автотранспорт воситасининг техник кўрсаткичлари тўғрисида батафсил маълумот бериб, унинг калитини тантанали равишда топширди.

Мамлакатимиз етакчиси миннатдорлик билдириб, Туркия Президенти ва халқини машинасозлик тармоғида эришилган улкан муваффақият — электромобилларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани билан дилдан қутлади.

Давлатимиз раҳбари Туркияда биринчилардан бўлиб ишлаб чиқарилган ушбу электромобил рулига ўтириб, уни ҳайдаб кўрди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ЭЛЧИЛАРДАН ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 апрель кuni бўлиб ўтган тантанали маросимда фавқулодда ва мухтор элчилар — Фаластин давлатидан Жавад Аввад, Япониядан Хатори Такаши, Қатар давлатидан Ҳасан Ҳамза Ҳошим, Словакия Республикасидан Виктор Борецки ва Покистон Ислום Республикасидан Аҳмад Фаруқнинг ишонч ёрлиқларини қабул қилди олди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизга янги тайинланган дипломатик миссиялар раҳбарларини самимий қўллаб, Ўзбекистондаги фаолиятини бошлагани билан табриқлади.

Президентимиз ўз нутқида очик ва прагматик ташқи сиёсатни амалга ошираётган Янги Ўзбекистон халқаро майдонда янги марраларга эришаётгани, дўстлар ва ишончли ҳамкорлар сафини кенгайтираётганини таъкидлади. Мамлакатимизда янги элчихоналар очилмоқда, Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари географияси ҳам кенгаймоқда. Яқинда юртимизнинг Швеция ва Венгрияда элчихоналари очилди, Тошкентда Қатар давлатининг дипломатик миссияси ўз ишини бошлади.

Мамлакатимиздаги янгилашлар жараёни тўғрисида сўз юритар экан, Ўзбекистон етакчиси кейинги йилларда “инсон — жамият — давлат” тамойили асосида ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва мақсадларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Бундай кенг кўламли ўзгаришлар мамлакатни тубдан ислоҳ қилишни, комплекс сиёсий, иқтисодий ва маъмурий янгилашларни изчил олиб боришни талаб этади. Конституциямизни Янги Ўзбекистон воқелигига мос равишда янгилаш жараёни бу йўлдаги катта қадамдир.

Президент Шавкат Мирзиёев Асосий қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш доирасида кенг жамоатчилик муҳокамаси ўтказилгани, тажрибали мутахассис ва олимлар, хорижий ҳамкорлар, ихтисослашган халқаро институтлар ва таҳлилий марказларнинг тақлифлари ҳисобга олинганини қайд этди.

Ўзбекистон етакчиси зиддиятлар ва можаролар кескинлашиб бораётган

мураккаб халқаро вазият шароитида барча мамлакатлар билан ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган ташқи сиёсатни амалга оширишнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Қайд этилганидек, мамлакатимиз етакчи халқаро ва минтақавий ташкилотлар, глобал молиявий институтлар билан шерикликни мустаҳкамламоқда, Туркий давлатлар ташкилотида самарали раисликни амалга оширмоқда ва жорий йилда илк бор Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитини қабул қилмоқда. Ундан зийд йирик халқаро тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

— Халқаро ҳамжамият учун янада очик ва самимий ҳамкор бўлишга астойдил интиламиз. Бунинг учун бизда сиёсий ирода, қатъият, энг муҳими, имконият ва етарли салоҳият бор, — деди Президент.

Маросим давомида давлатимиз раҳбари янги элчилар вакиллик қилаётган мамлакатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Фаластин — Ўзбекистоннинг Яқин Шарқдаги аънавий ҳамкорларидан бири. Халқларимизни кўп асрлик дўстлик ришталари, муштарак диний ва маданий қадриятлар ўзаро боғлаб туради. Қишлоқ хўжалиги, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, фармацевтика ва тўқимачилик соҳаларида ҳамкорлик учун катта салоҳият борлиги таъкидланди.

Ўзаро манфаатли алмашинувларни ривожлантириш учун Фаластин давлат ташкилотлари ва хусусий бизнес вакилларининг мамлакатимизга ташрифларини ташкил этиш тақлиф қилинди.

Япония элчисига мурожаат қилар экан, давлатимиз раҳбари Токио Ўзбекистоннинг вақт билан синалган страте-

гик шериги эканини, ушбу мамлакат билан муносабатлар ўзаро ишонч руҳида ривожланиб бораётганини қайд этди.

Япония юртимиз иқтисодиёти, саноати ва инфратузилмасини технологик модернизация қилишда фаол иштирок этаётгани мамнуният билан таъкидланди. 2019 йил декабрь ойида ўтган ва узоқ муддатли ҳамкорлик учун мустаҳкам замин яратган Ўзбекистон — Япония саммити тарихий воқеа бўлгани қайд этилди.

Олий даражадаги ва вазирликлар ўртасидаги мунтазам мулоқотлар томонларнинг амалий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлиги юқори эканини кўрсатмоқда. Режалаштирилган кўп томонлама тадбирлар, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, шунингдек, “Марказий Осиё — Япония” мулоқоти икки мамлакат ўртасидаги шерикликни изчил давом эттиришда муҳим аҳамиятга эга.

Қатар давлати биз учун яқин дўст, нафақат араб-мусулмон оламида, балки бутун дунёда катта нуфуз ва таъсирга эга мамлакат.

Президентимиз Қатар Амир Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Таний раҳбарлигида эришаётган катта муваффақиятларни юксак баҳолади, футбол бўйича жаҳон чемпиони ва Доҳада БМТнинг энг кам ривожланган мамлакатлар бўйича конференцияси муваффақиятли ўтказилгани билан табриқлади.

Ҳамкорлик истиқболларини баҳолар экан, давлатимиз раҳбари бу борада катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Бўлажак Ўзбекистон — Қатар саммити икки мамлакат муносабатларини сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиш сари тарихий қадам бўлишига ишонч билдирилди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 апрель кuni Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан ўтказган телефон орқали мулоқотда “Togg” бренди остида ишлаб чиқарилган биринчи турк электромобили учун миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари қардош Туркия Президенти ва халқини катта технологик ғалаба — мамлакатда замонавий электромобилларни саноат усулида ишлаб чиқариш бошлангани билан табриқлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Туркия кенг кўламли стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларининг бугунги даражасига юксак баҳо берилди.

Ўзбекистон ва Туркия етакчи компанияларининг юқори технологик тармоқлардаги саноат кооперацияси миқдосини янада кенгайтириш учун мавжуд имкониятлар қайд этилди.

Жорий йилда ўтказилиши режалаштирилган икки томонлама Олий даражадаги Стратегик шериклик кенгаши йиғилишига пухта тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Телефон мулоқоти якунида Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича бўлажак референдумни тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди ва унинг муваффақиятли ўтишини тилади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ДАЛА ЧЕТЛАРИДАГИ ЕР МАЙДОНЛАРИДА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикадаги фермер хўжалиқлари дала четларидаги ер майдонларини ўзлаштириш, уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларнинг ишончли харидини ташкил қилиш ишларини тизимлаштириш, ушбу тизимга алоҳида маъсул ташкилотни бириктириш ҳамда дала чети ер эгаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Республикадаги фермер хўжалиқларининг дала четларида 58,9 минг гектарга яқин майдонлар бугунги кунда ер эгалари томонидан тўлиқ фойдаланилмаётгани қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан аниқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида

хизматлар кўрсатиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) фермер хўжалиқларининг дала четларини ўзлаштириш, уларда маҳсулотлар етиштириш ва етиштирилган маҳсулотларнинг ишончли харидини ташкил қилиш вазифаси юклатилсин.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ЭЛЧИЛАРДАН ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Таъкидланганидек, энергетика, қазиб чиқариш, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, экологик туризм ва фармацевтика соҳаларидаги йирик қўшма лойиҳалар савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустақамлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон Словакияни Европа Иттифоқида салмоқли иқтисодий салоҳиятга эга истиқболли ҳамкорларидан бири сифатида қабул қилади.

Президентимиз дўстлик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган Ўзбекистон — Словакия муносабатлари янги лойиҳалар ва аниқ дастурлар билан бойиб, изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми ва қўшма корхоналар сони 2 баравар кўпайгани бундан далолат беради.

Ўзбекистон инвестиция соҳасида, шу жумладан, тиббиёт, фармацевтика ва кимё тармоқларининг етакчи компаниялари билан биргаликда аниқ лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор.

Сийёсий, иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти муттасил ошиб бораётган Покистон билан муносабатлар икки мамлакат етакчиларининг мунтазам мулоқотлари туфайли стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Транспорт, қишлоқ хўжалиги, энгил саноат, фармацевтика ва бошқа тармоқлардаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда. Ўзаро савдо ҳажмини яқин истиқболда 1 миллиард долларга етказиш бўйича йўл харитаси қабул қилинган.

Афғонистонда иқтисодий тикланишга қўмаклашиш борасидаги қўшма саъй-ҳаракатлар, шу жумладан, Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳасини тезда бошлаш Жанубий ва Марказий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустақамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Покистон томонига БМТ шафелигида Афғонистон бўйича халқаро музокара гуруҳини ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди.

Сўзининг якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти янги тайинланган хорижий дипломатик миссиялар раҳбарларига маъсулиятли фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Тадбир доирасида ҳар бир элчи билан қисқа суҳбат бўлиб ўтди. Чет эллик дипломатлар улар вакиллик қилаётган мамлакатлар етакчиларининг Ўзбекистон раҳбари ва халқига самимий салом ва эҳтиромини етказди. Юртимизда уларнинг дипломатик фаолиятига яратилган шароитлар ҳамда бугунги тадбирда кўрсатилган илқ қабул ва алоҳида эътибор учун чўқур миннатдорлик билдирди.

Элчилар Президентимиз томонидан илгари сурилган аниқ таклиф ва ташаббуслар ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришда улкан амалий аҳамиятга эга эканини ҳамда Ўзбекистон билан кенг қўламли ҳамкорлик ва самарали шериклини янада ривожлантиришга бор куч-ғайрати ва тажрибасини ишга солишга тайёрлигини таъкидлади.

ЎЗА

Бошланиши 1-бетда

3. Агентликка: дала четларида ишларни тўғри ва сифатли ташкил қилиш, ер эгаларига экишдан бошлаб маҳсулотни реализация қилишгача бўлган даврда амалий ёрдам бериш учун 2023 йилда ҳар бир туманга 4 нафаргача, жами 672 нафаргача мавсумий агрономлари ишга қабул қилишга рўхсат берилсин;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ва Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти бириктирилсин.

Агентлик тизимидаги штат бирликлари доирасида қишлоқ хўжалиги корхоналари дала четларидаги ер майдонларида маҳсулот етиштириш тизимини жорий қилишга маъсул бўлган директор ўринбосари штати жорий қилинсин.

Белгиансинки, мавсумий агрономларнинг 2023 йилдаги иш ҳақларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар олинган бюджет сўдаси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга берилган кредитлар фойз ставкаси ўртасидаги тафовут натижасида Агентлик ихтиёрида қоладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

4. Агентликка бириктирилган илмий-тадқиқот институтига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

фермер хўжалиқларининг дала четларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосларни ишлаб чиқиш, сабзавот, полиз ва картошка экинлари селекцияси ютуқларини ҳар бир ҳудуднинг иқлим шароитларидан келиб чиқиб қўллаш;

фермер хўжалиқларининг дала четларида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, ҳосилни сақлаш, уларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг самарали, уйғунлашган инновацион услубларини жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда ҳар бир туманда семинар ва тренинглар ўтказиб бориш.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 5 апрелдаги “2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ДАЛА ЧЕТЛАРИДАГИ ЕР МАЙДОНЛАРИДА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-113-сон қарори доирасида Агентликнинг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига 2023 йилда ажратилиши кўзда тутилган 400 миллиард сўм бюджет сўдаси ҳисобидан 100 миллиард сўм иллик 10 фойз ставкада қуйидаги мақсадлар учун сарфланиши белгилансин:

дала четини ўзлаштириш ва маҳсулот етиштириш учун зарур бўлган уруғ, кўчатлар, минерал ўғитлар, кимёвий препаратлар, моддий-техник ресурслар билан таъминлаш;

сув билан таъминлаш учун насос ва қувурларни ўрнатилган қарз шартномаси асосида, нақд пул шаклида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва дала чети ер эгаларига 6 ойгача имтиёзли давр билан 12 ой муддатга йиллик 14 фойз ставкада қарз ажратилиши;

Бунда, берилаётган қарз маблағлари олинаётган даромаднинг 50 фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Мазкур қарор доирасида Агентлик томонидан талабгорларнинг энг яхши таклифларини танлаш усули орқали қарз маблағлари уларнинг қайтмаслик хатарини сўғурта қилиш бўйича сўғурта полиси тақдим этилгандан сўнг ажратилиши белгилансин.

Агентликка дала четларига кредит асосида насос ва қувурларни ўрнатиб, сув билан таъминлаш чораларини кўриш учун уч томонлама шартнома асосида корхоналарни жалб қилишга рўхсат берилсин.

6. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.Хайтов) қурилиш цехи ва совиткичи омборхоналарни харид қилишга Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 50 миллиард сўм маблағ ажратилсин.

Ушбу маблағлар Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан:

қишлоқ хўжалиги корхоналарига 36 ойгача имтиёзли давр билан 84 ой муддатга йиллик 14 фойз ставкада ажратилсин. Бунда, кредит суммасининг 60 фоизи бўйича гаров таъминоти си-

фатида ўрнатиладиган қурилиш цехи ва совиткичи омборхоналар олиниши, 40 фоизи бўйича гаров таъминоти сифатида уларнинг қайтмаслик хатарини сўғурта қилиш бўйича сўғурта полиси олиниши белгилансин;

ташаббуслорларга қурилиш цехи ва совиткичи омборхоналар ўрнатиб берилгандан сўнг маҳсулот етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш шарти билан ажратилиши.

7. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида қишлоқ хўжалиги ерлари атрофида коллектор-дренаж тармоқлари мавжуд бўлган фермер хўжалиқларига зовур сувларида 200-250 бошдан ўрдақ боқиш ва асалари фермер хўжалиқлари учун йиллик 14 фойз ставкада имтиёзли кредитлар ажратилиши.

8. Фермер хўжалиқларининг дала четида экиладиган экин ва етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, боқиландиган парранда ва асалари уялари ҳамда совиткичи омборхона ва қурилиш ускуналарини жойлаштириш бўйича прогноз кўрсаткичлар 1-4.13-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

9. Фойдаланилмай бўш турган дала четлари ҳамда коллектор-дренаж тармоқлари атрофларидаги қишлоқ хўжалиги экинлари ер майдонларида маҳсулотларни етиштириш учун 5-иловага мувофиқ тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига вазифалар юклатилсин.

10. Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2023-2025 йилларда Сирдарё вилоятида фойдаланилмай бўш турган дала четлари ҳамда коллектор-дренаж тармоқларидаги 500 гектар майдонда ихчам “ижтимоий иссиқхона”ни ташкил қилиб, “Темир дафтар”, “Ешлар дафтари”, “Аёллар дафтари”га киритилган ҳамда меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга тайёр ҳолда 2,5 сотихдан ажратилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2023 йил 12 апрель

ҚЎШНИ МАМЛАКАТЛАРНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ АФҒОНИСТОНДА МУСТАҲҚАМ ТИНЧЛИК ЎРНАТИШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ РОЛЬ УЙНАШИ МУМКИН

13 апрель куни Самарқандда Афғонистонга қўшни мамлакатларнинг тўртинчи вазирлар учрашуви бўлиб ўтади.

Учрашувда Эрон, Хитой, Покистон, Россия, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари иштирок этади.

7 март куни Тошкентда Афғонистонга қўшни давлатлар махсус вакилларининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг БМТ шафелигида Афғонистон ҳукумати билан томонларнинг мажбуриятларини босқичма-босқич бажариш алгоритминини тайёрлаш ва мувофиқлаштириш бўйича юқори даражадаги халқаро музокаралар гуруҳини тузиш ташаббуси ижобий баҳоланди.

Форумда Афғонистондаги мавжуд вазият, мамлакатдаги янги ҳокимиятлар жаҳон ҳамжамиятининг асосий талабларини — инклюзив ҳукумат тузиш, афғон аёлларининг меҳнат ва таълим олишини таъминлаш, миллий озчиликлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш бўйича томонларнинг саъй-ҳаракатлари муҳокама қилиниши режалаштирилмоқда.

Бўлажак форумнинг стратегик аҳамияти ва долзарблиги шундаки, Афғонистоннинг яқин кўшнисини бўлган барча давлатлар Самарқанддаги битта майдончада тўланади. Ушбу формат афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатиш, шунингдек, мамлакатда тинчлик ўрнатиш ва унинг иқтисодий ривожланишига қўмаклашиш бўйича қўшма чора-тадбирларни батафсил муҳокама қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Афғонистондаги вазиятни фақат тинч, сийёсий-дипломатик йўллар билан ҳал этишни изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Унинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш, қўшни мамлакатнинг тинч, бўлинмас, мустақил, иқтисодий ривожланаётган давлат сифатида шаклланишини қўллаб-қувватлаш зарурилиги тамойилига қатъий амал қилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон барқарорлашувиغا нисбатан қатъий ёндашуви — “Бекарорлик ва вайронгарчиликдан — тинчлик ва яратувчанлик сари” тамойили Афғонистон йўналишидаги қўшма минтақавий ҳамкорликнинг мангитини белгилайди.

2016 йили Ўзбекистон Афғонистон масаласини ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини сезиларли даражада фаоллаштирди. Ўзбекистон Пре-

зиденти ташаббуси билан 2018 йилда Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида ўтказилган юқори даражадаги халқаро конференция мўҳим воқеа бўлди. Конференция якунида қабул қилинган Тошкент Декларацияси биринчи марта Афғонистондаги вазиятни сийёсий жиҳатдан ҳал этиш зарурилиги ҳақидаги умумий консенсусни мустаҳкамлади, бу эса тинчлик жараёнини қайта бошлаш ва қуролли можарони тўхтатишга сезиларли туртки берди.

2021 йил 15-16 июль кунлари Ўзбекистонда ташкил этилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” юқори даражадаги халқаро конференцияси Афғонистонда тинчликка эришишига қўмаклашиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларга мўҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Ушбу халқаро тадбир Афғонистондаги тинчлик ва барқарорликнинг минтақалараро алоқаларини ривожлантириш учун биринчи даражали ролини яна бир бор таъкидлади.

2022 йил 25-26 июль кунлари Тошкентда “Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий ривожланиш” халқаро конференцияси ҳам бўлиб ўтди. У Марказий ва Жанубий Осиё, Европа, Америка, Яқин ва Ўрта Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақасининг 20 дан ортиқ давлатларидан Афғонистон бўйича махсус вакиллари, Афғонистон муаммоси ҳал этилишига бевосита жалб этилган ўнлаб халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан, БМТ, Европа Иттифоқи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик

ташкilotи, Шанхай ҳамкорлик ташкilotининг раҳбар ва мутахассисларини, шунингдек, Афғонистон муваққат ҳукумати делегациясини ўз атрофига тўплади.

Шунингдек, маҳаллий экспертлар, Афғонистонга қўшни давлатлар, жумладан, Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари, шунингдек, Россия, АҚШ, Эрон, Покистон, Ҳиндистон ва Бельгиядан етакчи таҳлил марказларининг раҳбарлари ва мутахассислари иштирокчи сифатида таклиф этилди.

Ушбу конференция Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, Афғонистоннинг терроризм ва урушлардан холи бўлган тинч ва фаровон мамлакатга айлантириш борасидаги тизимли саъй-ҳаракатларининг ажралмас қисмига айланди.

Ўзбекистон афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатмоқда. Хусусан, 2021 йил сентябрдан то ҳозирги кунга қадар Афғонистонга 10 минг тоннадан ортиқ гуманитар юк жўнатилди. Бундан ташқари, мамлакатимиз халқаро ҳамжамият томонидан юборилган гуманитар ёрдамни ушбу мамлакатга етказиб беришга қўмаклашувчи мўҳим воситачилик миссиясини ҳам бажармоқда.

2021 йили Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Термиз шаҳрида БМТ шафелигида Афғонистонга ёрдам қабул қилиш ва уни етказиб бериш бўйича халқаро логистика маркази иш бошлади. Бу Афғонистон билан чегара яқинида жойлашган

“АФҒОНИСТОННИНГ ИНФРАТУЗИЛМА ВА ИҚТИСОДИЙ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ ОРҚАЛИ МИНТАҚА ДАВЛАТЛАРИНИ БИРЛАШТИРАДИГАН МАКОНГА АЙЛАНИШИ АФҒОНИСТОННИ ЎРАБ ТУРГАН ДАВЛАТЛАРНИНГ УШБУ МАМЛАКАТДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШНИ ОШИРАДИ, ДАВЛАТНИ МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛОВЧИ БЎҒИН СИФАТИДА ЙЎҚОЛГАН ТАРИХИЙ РОЛИГА ҚАЙТАРАДИ.

ягона терминал. Унинг майдони 40,7 гектарни ташкил этади. Биргина 2022 йилнинг биринчи ярмида Термизда ўз ваколатхоналарини очган Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури, ЮНИСЕФ ва Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг Қочқинлар бўйича Олий комиссари идораси томонидан Афғонистонга 35 минг тоннадан ортиқ гуманитар ёрдам жўнатилди.

Ўзбекистон Афғонистонга мамлакат иқтисодиётини тиклаш учун зарур бўлган миллий кадрларни тайёрлашга ҳам қўмаклашмоқда. Хусусан, 2018 йилда Термиз шаҳрида афғон фуқаролари учун ўқув маркази ишга туширилди ва бугунги кунда ҳам у ўз фаолиятини даво мттирмоқда. Бу афғонларни 17 та олий ва 16 та ўрта махсус, касб-ўнунар таълими йўналишлари бўйича ўқитадиган дунёдаги ягона муассасадир. Ҳозирги пайтда марказда 129 нафар

афғонистонликлар ўқитилмоқда, улар ўқишни алпақачон битирган ватандошлари билан бирга ўз мамлакатини қайта тиклашга ҳисса қўишиларига шубҳа йўқ.

Ўзбекистон Афғонистонда йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишни қўллаб-қувватлайди. Хусусан, Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш линиясининг қурилиши Афғонистонга йилга 6 миллиард квт. соат электр энергияси етказиб бериш имконини берадики, бу мамлакатнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжининг учдан бир қисмини қоплайди. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши туфайли Афғонистондаги 500 минг оила, ижтимоий инфратузилма ва иқтисодий тармоқлари электр энергиясидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Ўз навбатида, “Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўли қурилиши лойиҳасининг амалга оширилиши “Ҳайратон — Мозори-Шариф” темир йўлининг мангитий давоми бўлиб қолади ва Покистон ҳамда Ҳиндистон темир йўлларига, шунингдек, Араб денгизи бандаргоҳларига (Гвадар, Карачи/Касим, Мумбай ва бошқалар) чиқиш имкониятига эга янги ва энг қисқа транзит йўлакларини шакллантириш имконини беради, Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистонни боғлайди.

785 километр электр таъминоти линиялари, 790 километр алоқа линиялари, 1000 дан ортиқ янги суъй-иншоотлар (кўприklar, туннеллар, станциялар) қуришни назарда

тутадиغان ушбу минтақалараро темир йўл лойиҳасининг амалга оширилиши Афғонистонда темир йўл бўйлаб транспорт ва тегишли инфратузилмани ривожлантиришга қўмаклашадди.

Натижада ярим миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши, шу жумладан, темир йўл транспортининг эксплуатацияси билан боғлиқ касблар шаклланиши, минтақанинг 15 миллион нафаргача аҳолиси лойиҳанинг наф қўрувчиларига айланиши кутилмоқда.

Мазкур йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши Афғонистоннинг иқтисодий ривожланишига туртки бўлиши, аҳоли учун муқобил даромад манбаларини яратиши ва натижада можаронинг ижтимоий заминини бартараф этиши мумкин.

Энг муҳими, Афғонистоннинг инфратузилма ва иқтисодий ўзаро боғлиқлик лойиҳалари орқали минтақа давлатларини бирлаштирадиган маконга айланиши Афғонистонни ўраб турган давлатларнинг ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлашга бўлган қизиқишини оширади, давлатни Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги боғловчи бўғин сифатида йўқолган тарихий ролига қайтаради.

Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё мамлакатларининг 2022 йил 21 июлдаги IV саммити чоғида шундай деган эди: “Афғонистонда узоқ муддатли тинчликни таъминлаш, унинг ижтимоий ва иқтисодий тикланишига қўмаклашиш учун яқин ҳамкорликни давом эттириш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолиши керак. Биз энг яқин кўшнимиз, бу мамлакатдаги барқарорликдан ҳаммадан кўра кўпроқ манфаатдор бўлишимиз керак. Халқаро ҳамжамият бу муаммони кандай қабул қилиши кўп жиҳатдан бизга боғлиқ”.

Мувофиқлаштирилган ёндашув Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ва бу мамлакатни тинч тараққиёт йўлига қайтаришда ҳал қилувчи роль уйнаши мумкин. Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари демократик ҳуқуқий давлатлар позицияларида турибди, дунёвий республикалар тамойиллари асосида ривожланмоқда, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш тарафдоридир.

“Дунё” АА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
REFERENDUMI
2023

ТАРАҚҚИЁТ МАНЗИЛЛАРИ

Нодир ЖУМАЕВ,
иқтисодий фанлари
доктори, профессор

Тараққиётга интилар эканмиз, янги ислохотларга эҳтиёж сезамиз. Шу боис, жамият ва давлат ҳаётида муҳим ўринга эга Конституция ҳам ўзгаришларга монанд равишда янгиланиб боради. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, конституциявий ислохотлар адолатли жамият қуриш йўлидаги улкан қадамдир. Чунки бу жараён мамлакат, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни аниқлаб олишда жуда муҳим.



Президентимиз таъбири билан айтганда, эришилган ютуқ ва муваффақиятлар энди тарихга айланди. Олдинда эса бу борада ҳам янгидан-янги ҳаётини заруратлар, уларни амалга ошириш бўйича улкан вазифа ва имкониятлар пайдо бўляпти.

Шубҳасиз, буларнинг барчасида Асосий қонунимиз мустаҳкам қафолат бўлиб хизмат қилди. Маълумки, давлат жамият иқтисодий негизларининг ҳуқуқий

Конституциянинг миллий фаровонлик учун катта аҳамиятга эга барқарор тараққиёт дастури эканлиги хусусиятидан келиб чиқсақ, унинг янгиланиши ёки янги нормалар билан бойитилиши борилиши

стратегияси асосида иқтисодий либераллашуви, жамият эркинлиги ва ҳавфсизлиги ҳамда дўстона ташқи муҳит яратилгани билан боғлаш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, ўтган даврда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тадбиркорликка кенг йўл очилгани ҳисобига сўнгги олти йилда улар сони 6 баробар ошиб, бугунги кунда 2 миллионга етди. Тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлар 26 мингга, тушумларини 100 миллион долларга етказган тадбиркорлар эса 220 нафарга етди.

Хориқлик олимларнинг фикрига кўра, агар иқтисодий ислохотлар конституциявий ўтиш даврининг кичик бир қисми экани тан олинмаса, ислохотлар самардорлигини баҳолаш жуда нотўғри бўлиши мумкин. Глобаллашу шароитида мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни давлатимизнинг амалдаги Конституциясига ўзгартиришлар киритиш лозимлигини ҳаётини заруратга айлантди. Янги таҳрирдаги Конституциямиз ривожланиш жараёнининг узлуқсизлиги ва изчиллигини таъминлаши баробарида республиканинг миллий устувор



ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ

Янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамиятимизни жипслаштиради

табий жараён ҳисобланади. Агар Конституциянинг тақлиф этилаётган лойиҳасига эътибор қаратсак, унинг 65 фоиз матни халқимиз тақлифлари асосида янгилангани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қоидалар 3,5 баробар кўпайганини кўришимиз мумкин. Бу халқимизнинг мамлакатда бўлаётган кенг қўламли ўзгаришларга бефарқ эмаслигини, ислохотларнинг фаол иштирокчилиси бўлишига интилаётганини аққол намоён қилади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистон — инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат. Чунки барча ислохотларда давлат ва жамиятимизни янада ислоҳ қилиш, фуқароларимизнинг ҳаётини муаммоларини ҳал этиш ва орзу-умидларини рўйга чиқариши олий мақсад этиб белгиланган.

Бугун мамлакатимизда барча соҳалар қатори иқтисодий жабҳада ҳам ўта муҳим ва шиддатли ислохотлар кечмоқда. Иқтисодий тизим тўлиқ қайтадан такомиллаш-

асосларини мустаҳкамлаш мақсадида конституциявий нормалар талаблари асосида тегишли қонунлар, қонуности меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва уларни такомиллаштириб бориш, жисмоний ҳамда юридик шахслар томонидан бозор иқтисодиёти тамойиллари, қоида-талаблари асосида фаолият юритилиши учун ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш функциясини бажарилади. Конституциявий ислохотларда иқтисодий йўналишдаги ўзгаришларнинг моҳияти шундаки, бу ҳам бўлса, халқчил давлатни бунёд этишнинг энг муҳим шартини бўлган ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлашга эришиш ҳисобланади. Янги таҳрирдаги Бош қонунимизда "Инсон — жамият — давлат", "Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат" тамойилларини мустаҳкамлашга, иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлашга бош мезон сифатида қаралмоқда. Шунингдек,

манфаатларини акс эттиради. Буни биргина иқтисодий соҳада киритилаётган нормалар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Амалдаги Конституциянинг IX боби — "Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар" 7 моддадан иборат бўлса, янги лойиҳада "Иқтисодий, ижтимоий, маданий

таҳрирдаги Конституциянинг 67-моддасига "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши қафолатланади" деган норма киритилган. Бу норманинг

маҳсулотини бир вилоятдан бошқа вилоятга олиб ўтишига, сотишига тўсқинлик қилишга ҳаққи бўлмайди.

Халқро бозордаги рақобат тобора авж олиб бораётган бир шароитда давлат ва унинг боқолатли органлари томонидан эркин бозор механизмларини жорий этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилмаса, бу ҳолат ўз навбатида, мамлакат тараққиёти барқарорлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар фаровонлигига жиддий путур етказиши мумкин бўлади. Шу боис, мамлакатимизда давлатнинг иқтисодий жараёнларни бошқаришга доир конституциявий вазифа ва функцияларини Бош қонунимизда аниқ белгилаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги таҳрирдаги Асосий қонунимизда мулк дахлсизлиги ва у билан боғлиқ ҳуқуқларнинг таъминланиши давлат томонидан қафолатланиши, мулк ҳуқуқларни чеклаш фақат суд қарори асосида бўлиши мустаҳкамланган. Бу иқтисодиёт барқарор ўсиши, фаровон ҳаётимиз таянчи ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармонларнинг эркин фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий қафолатни таъминлайди. Бу ўз навбатида, тадбиркорларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши, бизнес муҳитини яхшилаш, ички ва ташқи савдо ривожланиши, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида геосийсий вазият, глобаллашу жараёнларининг фаоллашуви ҳамда иқтисодий ноаниқликларга қарамай, мамлакатимиз макроиқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиши таъминланган. Бунинг барчаси иқтисодий муаммоларни ҳал этишда тизимли ёндашувнинг йўлга қўйилгани ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга берилётган эътибор самарасидир.

Миллий иқтисодиёт соҳаси изчил ва тизимли ислохотлар, муҳим эврилишлар, сиёсий ирода ва ташаббуслар марказида бўлиб, пировардида, тобора раванқ топиб бормоқда. Эришилган ютуқларни эътироф этмоқ, атрофлича таҳлил қилмоқ ва келажакдаги муҳим қадамларимизни шунга монанд белгилаш зарурати эса халқ фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Албатта, иқтисодиётдаги ислохотлар нечоғлиқ самара келтираётгани, вазифаланишига эришилади. Валюта бозорини либераллаштириш, киритилган инвестициялар бўйича фойдани қайтариш қафолатини таъминлайди.

Мазкур норма киритилиши давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ҳомаёш, товарлар ва хизматларнинг эркин ҳаракатланиши ва реализация қилинишини ноқонуний чеклашнинг олдини олишга, тадбиркорлик субъектининг қайсидир ҳудудда солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтишини талаб қилишга чек қўйишга ҳамда меҳнат ресурсларининг эркин ҳаракатига замин яратди. Содда қилиб айтганда, ҳеч кимнинг тадбиркор ва фермерлар

таъминининг йўлга қўйилиши халқни қийнаб келаётган турли муаммоларга уларнинг ташаббуслари асосида ечим топилишига замин яратмоқда.

Тўртинчидан, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг мустақиллигини ошириш орқали маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаб, уларда қўшимча ресурслар, яъни пул маблағлари шаклланапти. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудлардаги аҳолининг оғирини енгил қилиш, орзуларини рўйга чиқаришда муҳим ўрин тутаяпти.

Ислохотларнинг энг бирламчи мақсади аҳоли фаровонлигига қаратилгани билан аҳамиятли. Ўрганиш ва тадқиқотлар аҳолининг кўпчилиги етарли ва доимий даромад манбаига эга эмаслигини кўрсатди. Демак, камбағал қатлам мавжуд. Улар тахминан 12-15 фоизлиги ҳам ҳақиқат. Тақрибан айтсак, бу кам эмас, 4-5 миллион аҳоли дегани. Шундан сўнг амалий ишларга киришилди.

Одатда, ишсиз одамлар хунар ўрганиш, малака эгаллаш учун маблағдан қўйналади. Энди давлат айна шундай паллада ёшлар ва аёлларга моддий ҳамда ижтимоий кўмак кўрсата бошлади. Ажратилган маблағ меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарларни ўргатувчи мингдан зиёд нодавлат таълим марказлари ташкил этилишига хизмат қилмоқда.

Иқтисодий тараққиёт, бир томондан, камбағаллиқни камайтиради, иккинчи томондан, камбағаллиқнинг кўпайиши иқтисодий тараққиётни сустайтиради. Одамларда соғлиқни сақлаш ва таълимдан фойдаланиш имкони чекланса, улар борган сари қашшоқлашади, иқтисодиётда талаб камаяди. Ўз навбатида, иқтисодиёт ўзининг юқори малакали ходимларга бўлган эҳтиёжини қоплай олмайдди.

Шу боис, янги таҳрирдаги Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда демократик ҳуқуқий давлат қуриш билан боғлиқ хизмат, фуқароларимизнинг ижтимоий эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш, муносиб меҳнат шароити ва адолатли иш ҳақи тизимини яратиш, ишсизликдан ҳимояланиш, уй-жойга эга бўлишга қаратилган қоидалар киритилди.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистонда ижтимоий давлат барпо этиш ва бу мақомни Асосий қонунда мустаҳкамлаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Конституциянинг янги таҳририда тақлиф этилаётган нормаларнинг ярмидан кўпи инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатини кучайтириш ва механизмларини мустаҳкамлашга қаратилгани билан ҳаётимизда муҳим ўринга эга бўлади.



тирилди, айтиш мумкинки, эски қолипларни ўзгартириш қанчалик мушкул ва мураккаб бўлмасин, янгича бозор механизмлари амалиётга жорий этила бошланди.

Ҳаётини мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, валюта сиёсатининг либераллаштирилиши, нархларни тартибга солиш қўламини қисқартирилгани, тижорат банкларига кредит сиёсатини юритишда кўпроқ ҳуқуқ ва имтиёзлар берилгани, мамлакат иқтисодий тараққиётининг локомотивлари ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармонларга ўз бизнесини юритиш учун бутунлай янги имкониятлар яратилгани, айниқса, деҳқон ва фермерлар, кластер ҳўжаликлари ўзлари етиштирган ҳосилнинг ҳақиқий эгасига айлангани алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

хусусий мулк дахлсизлиги, ерга эгаллик қилиш ҳуқуқи, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни конституциявий даражага кўтариляпти.

Янги таҳрирдаги Конституция билан тадбиркорлик фаолияти қафолатларини кучайтириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобатга шарт-шароит яратиш, қўлай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, адолатли солиқ тизимини йўлга қўйиш, монополиялик фаолиятни чеклаш орқали мазнонда эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш учун бозор қатори асос яратилади.

Мураккаб халқро муносабатлар шароитида қўлга киритган иқтисодий натижаларимиз ўз-ўзидан содир бўлмаяпти. Буни Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

ва экологик ҳуқуқлар" боби 13 моддада акс эттирилган. XII бобдаги "Жамиятнинг иқтисодий негизлари" 3 та моддадан 4 тага кўпайган.

Белгилаш айтиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши қафолатланади. Бу норманинг жорий этилиши товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва капиталнинг мамлакат бўйлаб ҳеч қандай тўсиқларсиз ҳаракатланишига кенг йўл очди. Энг муҳими, бозор иқтисодиётининг асосий принципларидан бири — эркин рақобат муҳитини қарор топтиради. Шу ўринда айтиш кераки, Жаҳон савдо ташкилотининг асосий талабларидан бири ҳам меҳнат ресурслари, товарлар, хизматлар ва капиталнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш ҳисобланади.

Ушбу норма бу борадаги ютуқларимизни мустаҳкамлаш баробарида барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, рақобат муҳитини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига тенг шароитлар яратиш асосида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардорлигини ошириш имконини беради.

Иқтисодиёт соҳасида илгор тажрибага эга давлатлар амалиётида бир мамлакат ичида ёки ўзаро манфаатдор давлатлар ўртасида савдо муносабатларини ривожлантириш, ишлаб чиқарувчилар ва хусусий бизнес эгаларини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, бозордаги тақчилликнинг олдини олиш, талаб ва тақлиф мувозанатини таъминлаш борасида бозорнинг муҳим тўртта объекти бўлган товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланишига катта эътибор қаратилади.

Мамлакатимизда ҳам конституциявий ислохотлар орқали иқтисодиётни эркинлаштириш, қўлай тадбиркорлик ва инвестициявий муҳитни яратиш, бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича янги



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz.official



yuz.uz_news



ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

РАҚАМЛАШАЁТГАН СУВ

Танқислик шароитида исрофни камайтиришга хизмат қилади

Абдулла АБДУЛЛАЕВ,
Сув ҳўжалиги вазири
бош мутахассиси

Бу йил апрель ойи серёғин келмоқда. Айниқса, ойнинг дастлабки 10 кунлиги мобайнида қучли ёғингарчиликлар кузатилади. Бу, бир томондан, пойтахтимиз коммуналчи тизими учун бир оз ноқулайликлар пайдо қилган бўлса-да, асосийси, эрта баҳорда экилган экинлар ҳамда чанқаган даладар, қиру адирлар, бошқача айтганда, деҳқон ва чорвадорлар, қишлоқ аҳли учун жуда қутилган иш бўлди.

Лекин бу йил ёз нисбатан иссиқ, қурғоқчил келиши тахмин қилинмоқда. Хусусан, маълумотларга кўра, 2023 йил вегетация даврида сув ресурслари ҳажми кўп йиллик меъёрга нисбатан Сирдарё ҳавзасида 10-15 фоиз, Амударё ҳавзасида эса 15-20 фоиз кам бўлиши кутулинмоқда. Қолган дарёларда ҳам сув ҳажми билан боғлиқ башорат қилинаётган рақамлар барқарор эмас. Бу, бир томондан, қишлоқ ҳўжалигида мўл ҳосил етиштиришда жиддий синов бўлса, бошқа томондан, вегетация даврида сувдан янада мақсадли ва тежамкорлик билан фойдаланиш, умуман, бу борадаги ишларни янада кенгайтиришни тақозо этади.

Президентимизнинг 2023 йил 1 апрелдаги "Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эса қутилётган жиддий синовга пухта тайёргарчилик кўриши, сув тежамкорлигини ошириш ҳисобига тақчилликнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Мазкур ҳужжат билан жорий ёғин сўғориш мавсумида қутилётган сув танқислиги шароитида қишлоқ ҳўжалиги экин майдонлари ва иқтисодий тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича устувор вазифалар белгиланган.

Жумладан, тижорат банклари кредитларининг гаров таъминоти 50 фоизгача, бироқ 2,5 миллиард сўмдан ортқ бўлмаган миқдорда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси кафилиги асосида таъминланади. Миллий валютада ажратиладиган, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 баробаридан ошмаган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг асосий ставкадан ошган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация тақдим этилади.

Шу билан бирга, 2024 йил 1 мартга қадар Қашқадарё вилояти Қасби туманидаги барча сув бўлиш нуқталари бошқарувини рақамлаштириш ва сувни фойдаланувчиларга етказиб бериш бўйича тажриба-синов лойиҳаси амалга оширилади. 2025 йил 1 январдан бошлаб эса барча ҳудудларда "Suv hisobi" АТ жорий қилинади. Яъни қишлоқ ҳўжалиги ерларини сўғоришда ишлатилган сувдан фойдаланганлик учун солиқларни ҳисоблашда "Suv hisobi" АТ орқали тақдим этилган маълумотлар асосида солиқ органлари томонидан солиқ ҳисоботларини автоматик шакллантириб бериш амалиёти йўлга қўйилади.

Сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари эитиб мавжуд сув ресурсларини истеъмолчилар орасида қатъий тақсимлаш, сув тежовчи технологиялар жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ирригация тизимларида сув йўқотишларни камайитириш билан бирга, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш вазифаси ҳам белгиланди.



Гап соҳани рақамлаштириш ҳақида борар экан, бу борада Президентимизнинг 2021 йил 24 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки унда соҳани рақамлаштиришга доир устувор вазифалар белгиланган. Қарийб 1 минг 700 насос станциясида сувни онлайн режимда мониторинг қилувчи ҳисоблагичлар, 18 минг 600 га яқин сув омбори ва ирригация тизимида "Ақлли сув" қурилмалари, 6 минг 200 га яқин мелиоратив кузатув қудуғида автоматлаштирилган мониторинг тизимига ўтказувчи "Dayver" қурилмалари ўрнатиш ҳамда 60 та йирик сув ҳўжалиги объектини бошқаришни автоматлаштириш шулар жумласидан.

Ўтган давр мобайнида сув ҳўжалиги объектиларида 4 минг 180 та "Ақлли сув", 1 минг 435 та насос станциясида сув миқдорини онлайн мониторинг қилувчи ҳисоблагичлар ва 4 минг 224 та мелиоратив кузатув қудуғида сизот сувлари сатҳини онлайн мониторинг қилувчи қурилмалар ўрнатилиб, 44 та йирик сув ҳўжалиги объектнинг бошқарув жараёни автоматлаштирилди.

Жорий йилда 10 минг 937 та объектада сув ресурсларини онлайн режимда кузатиб бериш имконини берувчи "Ақлли сув" ва 2 минг 100 та мелиоратив кузатув қудуғида ер ости сизот сув сатҳи ва унинг минераллашганлик кўр-

масофадан турган ҳолда бошқариш ва 10 физогага сув техник йўқотишнинг олдини олиш ҳамда мазкур жараёнда инсон омилни иштирақини камайитиришга эришилди.

Қишлоқ ҳўжалиги вазири билан биргаликда сув ресурсларининг бошқарув жараёнини автоматлаштириш бўйича Қашқадарё вилоятидаги иккита каналда Австралиянинг "Rubicon Water" компанияси технологиялари жорий этилди.

Кези келганда таъкидлаш ўринлики, "Rubicon Water" компанияси қурилмалари замонавий композит материаллардан иборат бўлиб, ташқи таъсирга чидамли ҳамда ўлчов ва бошқарув қурилмалари 97 фоиз аниқликка эга ҳисобланади. 4 минг 972 гектар майдонни



саткичларини назорат қилувчи "Dayver" қурилмалари ўрнатилиб, 20 та йирик сув ҳўжалиги объектнинг бошқарув жараёни тўлиқ автоматлаштирилиши режалаштирилган.

Сув ҳўжалиги объектиларида "Ақлли сув" қурилмалари ўрнатилиши натижасида сув назорати ва ҳисоб-китоби онлайн юритилиб, сувни бошқариш ва тақсимлашнинг шаффоф тизими яратилди.

Мелиоратив кузатув қудуқларида "Dayver" қурилмаларини ўрнатиш орқали ер ости сизот сув сатҳи ва унинг минераллашганлик кўрсаткичларининг онлайн мониторинг юритилиб, мелиоратив ҳолатини баҳолаш аниқлиги 20 фоиз оширилди.

Шу билан бирга, йирик сув ҳўжалиги объектларининг бошқарув жараёнини автоматлаштириш орқали уларни

сув билан таъминлайдиган Миришқор ва Қашаши каналларининг бошқарув жараёни қиймати 18,22 миллиард сўмлик лойиҳа доирасида ана шу компания қурилмалари ёрдамида рақамлаштирилди.

Лойиҳа доирасида 24 та сув затвори ва 3 та насос қурилмаси автоматлаштирилди. Натижада ушбу каналларда сув тежалиб, 2021 йилдаги 42,3 миллион метр куб сув етказиб берилди. Тежалган 11,5 миллион метр куб сув ҳисобига 3,3 миллиард сўм боджет маблағи иқтисод қилинишига эришилди.

Миришқор – Қашаши каналида 2021 йилда 10 нафар ходим фаолият юритган бўлса, ҳозир сув миқдорини иқтисодий тармоқлари, маъмурий ҳудудларга етказиб бериш ишлари атиги 4 ходим билан амалга ошириляпти.

Давлатимиз раҳбари сувни тежашда ижобий натижа кўрсатгани боис, ушбу лойиҳани бошқа ҳудудларда ҳам кенг жорий қилиш бўйича алоҳида топшириқ берганди. Бугунги кунда лойиҳани оммалаштириш ҳамда технологияларни маҳаллийлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Фарғона водийсидаги Шимолий Фарғона ва Жанубий Фарғона магистрал каналлари ҳамда Қашқадарё вилоятининг Қарши магистрал каналлари мазкур технологияни жорий этиш режалаштирилмоқда.

Сув ҳўжалиги соҳасидаги барча жараёнлар, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларини сўғориш, манбалардаги сув ресурслари мониторингини олиб бориш ва уларни бошқариш, насос станциялар ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолати тўғрисидаги ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳисоботларни рақамли технологиялар асосида юритиш, маълумотлар базасини шакллантириш, уларни таҳлил қилиш имконини берувчи "Вазиятлар маркази" ахборот тизими такомиллаштирилмоқда.

Шу билан бирга, сув ва энергия ресурслари ҳисобини юритиш имконини берувчи қатор ахборот тизимлари, жумладан, давлат сув кадастри автоматлаштирилган тизими, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тизими ва ернинг мелиоратив ҳолатининг электрон портали яратилиб, амалиётга кенг жорий этилмоқда.

Хусусан, сув етказиб бериш учун шартномаларни ва сувга бўлган талабномаларни расмийлаштириш, сув истеъмолчилари кесимидега сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, шунингдек, улар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш учун мўлжалланган "Сув ҳисоби" ахборот тизими ишга туширилди.

Сув ҳўжалиги объектилари ва улардаги гидротехник иншоотларнинг техник кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш имконини берувчи "Сув ҳўжалиги объектилари", давлат хусусий шериклик шартлари асосида сув ҳўжалиги объектиларини хусусий секторга бериш билан боғлиқ барча жараёнларни ўзида акс эттирувчи "dxsh.uz" ахборот тизимини жорий этиш ишлари ҳам олиб борилмақда. Мазкур ишларни амалга ошириш, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга 3 миллиард сўм йўналтирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, глобал иқлим ўзгаришлари натижасида қурғоқчилик муаммоси, айниқса, вегетация даврида сув тақчиллиги муттасиллик касб этиб, йилдан-йилга салбий таъсир ортиб бораверади. Бунинг олдини олиш учун эса ҳаракатни бугундан бошлаш, сув тежовчи технологиялар ёрдамида сўғориладиган майдонларни кенгайтириш ва оммалаштириш, соҳани замонавий технологиялар ёрдамида "қуроллантириш" ҳисобига сув йўқотилишининг олдини олиш чоралари қўрилиши шарт. Айни кечиктириб бўлмаас вазифаларга киришни ва жадаллаштиришда эса Президентимизнинг юқорида қайд этилган қарорлари муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳужжатларда айни жиҳатларни жадаллаштириш ва рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асослари мўжассам.

ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ



OpenBudget
O'zbekiston Respublikasi
"Ochiq Budjet" Portali

Сўнгги уч йилда турли лойиҳалар доирасида 9 минг 500 маҳаллага 57 триллион сўм ажратилди. Бу маблағ ҳисобига 3 минг 500 та маҳаллада ички йўл, яна шунчасида боғча, мактаб ва шифохона таъмирланди. 1 минг 19 та маҳаллада ичимлик ва оқова сув таъминоти яхшиланиб, 452 таси замонавий қиёфага келтирилди.

Бу йил маҳаллаларга ажратилаётган маблағ кўлами 25 триллион сўмга етказилди. "Ташаббусли бюджет" дастури доирасида 8 триллион сўм йўналтирилиши кўзда тутилган.

Жорий йилнинг биринчи мавсумида 55 минг 970 тақлиф илгари сурилди. Уларнинг 33 минг 680 таси ҳудудий ички комиссиялар томонидан саралаб олинди, овоз бериш босқичига ўтказилди. Энг кўп овоз олган 1 минг 666 та лойиҳа голиб деб эълон қилинди.

Тақослайдиган бўлсак, 2021 йилда ўтказилган овоз бериш жараёнида 1,1 миллион фуқаро қатнашган бўлса, 2022 йилнинг дастлабки мавсумида улар сони 6,7 миллиондан зиёдроқ бўлган эди. Жорий йилнинг мос даврида иштирокчилар сони 16 миллиондан ошди. Яна бир муҳим жиҳати, илк маротаба "Ташаббусли бюджет" дастурида юртимизнинг барча маҳаллалари ўз лойиҳаси билан иштирок этди.

Фарғона вилояти бу жараёнда энг фаол иштирокчилар қаторида турибди. Вилоятдаги 1 минг 62 та маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси томонидан 2 минг 450 тақлиф илгари сурилиб, уларнинг 1 минг 990 таси овоз бериш босқичига ўтказилди. Овоз бериш жараёнида билдирилган тақлифларни қўллаб-қувватлашда 2 миллион 222 минг фуқаро иштирок этди. Бу вилоят умумий аҳолисининг 57 фоизини ташкил қилади.

Натижалар таҳлилига кўра, умумий қиймати 141,3 миллиард сўмлик 133 та лойиҳа голиб деб топилди. Булар ички йўллар, пивдалар йўлакчалари, йўл ўтказкичлари таъмирлаш, умумтаълим

ва мактабгача таълим ташкилотларини таъмирлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ичимлик сув ва оқова тизимини яхшилаш, электр таъминоти сифатини ошириш, маҳалла гузарни ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган мезонларга мувофиқ бошқа тадбирларни амалга оширишга доир лойиҳалардир.

— Қўндалик ҳаёт учун кераклик масалалар ечимида бевосита фуқаролар иштирок этаётгани маҳаллий бюджет маблағларини ҳолис ва шаффофлик асосида аниқ мақсадларга йўналтириш имконини бермоқда, — дейди вилоят молия бошқармаси бўлим бошлиғи Ҳайитбой Хайруллаев. — Бу жараёнда голиб деб топилган тақлифлар ижроси бўйича бюжетмачи корхоналар лойиҳа-смета ҳужжатларини шакллантириш ҳамда уларни амалга ошириш учун "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими орқали лойиҳачи ва пудратчи корхоналарни аниқлаш чоралари қурилмоқда.

Учқўрлик тумани "Машад" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ички йўлларни таъмирлаш, транспорт ва аҳоли ҳаракати учун қўлай шарт-шароит яратиб бериш борасида аҳолининг қўллаб-қувватлашга йўллар давомида эътибордан четда қолди. Хусусан, ўз ҳолига ташлаб қўйилган ички йўллар ёзда чанг ёғингарчилик кунларида лойга беланиб кетарди. Фуқаро Нормуҳаммад Носиров ҳамда Ойбек Абдурахмоновнинг Машад ва Бойтумор қишлоқ йўлларини таъмирлаш бўйича билдирилган тақлифлари "Очиқ бюджет" порталига жойланиб, 43 мингдан ортқ

ЗАМОНАВИЙ ИНФРАТУЗИЛМА, ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН ТИЗИМ



овоз тўплади ва голиб бўлди. Тез орада умумий узунлиги 5 километрдан ортқ, эни 4 метр бўлган ички йўллар 2 миллиард 400 миллион сўм ҳисобига таъмирдан чиқарилади.

— Маҳалламизда 3 минг 700 киши яшайди. "Ташаббусли бюджет" дастурида барча ички йўлларни асфальтлаш юзасидан билдирган тақлифимиз голиб бўлгани ҳаммамизни қувонтирди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирзохид Ҳўжаматов. — Бу тақлифлар билан аввалги мавсумларда ҳам иштирок этганимиз. Лекин кераклик миқдорда овоз тўплай олмагандик. Бу гал ҳамназ ушбу мақсад йўлида бирлашди. Эътиборлиси, одамлар ўз ҳаёти учун муҳим бўлган масалалар ечимида ҳар жиҳатдан фаол бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватлади. Мана, энди узоқ йиллардан буён абор йўлларимиз раво бўлиб, одамлар узоғини яқин, оғирини енгил қилади.

Ҳар бир маҳалланинг ўзига хос катта-кичи муаммолари бор. Ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик сув тармоғи тортиш, электр ва газ таъминотини яхшилаш, мактаб, боғча, тиббий хизмат сифатини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалалари ҳаммаида долзарб бўлиб келган. Аммо бугунга келиб, вазият том маънода тубдан ўзгаряпти.

Бағдод туманидаги 3-умумтаълим мактаби йиллар давомида эътибордан четда қолиб келарди. Барча синфлар ва маъмурий хоналарни замон талаби асосида таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, компьютер билан таъминлаш, фаоллар залида керакли шариотлар яратиш зарур эди. Мавжуд муаммоларни бар-тарafd этишга қаратилган муурожаатлар турли баҳоналар билан орқага суррилиб келинарди. Фуқаро Баҳромжон Абдусаминовнинг мавжуд камчиликларни барта-

раф этиш юзасидан билдирган тақлифи "Ташаббусли бюджет" орқали фуқаролар томонидан қизгин қўллаб-қувватланиб, 14 минг 151 та овоз жамланди. Яқинда бу ерда умумий қиймати 1,1 миллиард сўм бўлган қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

— Аҳоли сони ва тадбиркорлик субъектилари кўпайиб бораётгани электр энергиясига талабни оширяпти, — дейди Қўштепа туманидаги "Ғиштон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Оятилло Қодиров. — Электр таъминотини яхшилаш учун маҳалла ҳудудида яқин нуқтадан тармоқ тортиш, Ғиштон ва Фидойи кўчасига 2 та, Жавоҳир, Янгиариқ, Оҳанг ҳамда Ибн Сино кўчаларига 1 тадан трансформатор ўрнатиш, барча эски симёғочларни янгиллаш, замонавий ёпик кабеллар тортиш, ёритиш чироқлари ўрнатиш юзасидан билдирган тақлифим "Ташаббусли бюджет" жараёнида энг кўп овоз тўплади.

"Ташаббусли бюджет" орқали иккимий инфратузилмадаги камчиликлар манзилли ҳал этилмоқда. Энг муҳими, бу лойиҳалар аҳолининг талаб ва тақлифлари асосида шакллантирилмоқда.

Президентимиз 10 апрель куни аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш юзасидан ўтказилган йиғилишда ана шу жиҳатларни алоҳида эътироф этар экан, "Ташаббусли бюджет" дастурида голиб бўлмаган қўллаб-қувватлаш ҳам маблағ ажратилиши бўйича қўрсатма берди. Голиб лойиҳаларини сифатли бажариш билан бирга, илгари сурилган бошқа тақлифларга ҳам эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади.

— Масалан, 1 минг 300 та лойиҳага 2 мингдан ортқ аҳоли овоз берган бўлса-да, голиб бўлмаган. Бу 4 миллиондан ортқ аҳоли кўтарган масала ечимини топмади, дегани. Шунинг учун аҳолининг бу жиҳрий тақлифларини қўллаб-қувватлашимиз зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Мазкур дастурда қатнашган 34 мингта лойиҳа келгуси йил бюджетини шакллантириш учун тайёр тақлиф ҳисобланади. Масалан, маҳаллалардаги тиббиёт муассасаларини таъмирлаш бўйича миңдан ортқ, мактабларни парта ва компьютер билан жиҳозлашга 5 миңдан зиёд лойиҳа тақлифи келиб тушган.

Президентимиз қўрсатмасига биноан, "Ташаббусли бюджет"да 1 минг 500 дан ортқ овоз тўплаган лойиҳалар 2024 йилги бюджетни шакллантиришда инobatта олинади.

— Давлатимиз раҳбарининг 10 мартдаги "Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридега тизимли оид қатор вазифа ва қоидалар белгиланди. — дейди Иқтисодий ва молия вазирилик бўлими бошлиғи Азим Ҳасанов. — Жумладан, 2 миңдан ортқ овоз тўплаган, лекин голиб бўлмаган 1 минг 309 та лойиҳа учун ҳам қўшимча равишда 1,3 триллион сўм ажратилади.

2023 йил биринчи мавсумида голиб деб топилган 2 минг 975 лойиҳанинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши қатъий назоратта олинади. Бунда жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш сўнгги муддати эитиб жорий йилнинг июль, қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳаларни бажарилишини сўнгги муддати эитиб август ойи белгиланди.

Ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари доирасида бюджет ташкилотларининг раҳбар ходимлари мажбурий овоз йиғиш бўйича ходимларга топшириқ бериш таққиланади. Овоз йиғишга мажбурлаш тегишли ташкилот ходимларини мажбурий меҳнатга жалб қилиш сифатида таснифланади. "Ташаббусли бюджет" жараёнида овоз тўплаш ва голибларни аниқлаш механизминини танқидий қўриб чиқиш, бу борада кенг жамоатчилик билан муҳокама қилган ҳолда тақлифлар ишлаб чиқишни назарда тутувчи чора-тадбирлар режаси ҳам тасдиқланади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
Расулжон КАМОЛОВ,
"Янги Ўзбекистон"
мухбирлари

МУНОСАБАТ

БЎЙИНБОҒНИ ЕЧИБ ИШЛАШ ВАҚТИ КЕЛДИ


Ёхуд Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишидан кейинги мулоҳазалар

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, профессор

Тахминан тўрт-беш кун илгари кеч соат 23:00 ларда уйга қайтаётиб, ҳар доимгидек қадрдон масканимнинг ҳовлисини айландим, вақт алламаҳал бўлса-да, ётоқхонанинг ақсарият талабалари "Open air" лабиринтида...

ЎзЖОКУнинг шинам "Халқаро пресс-клуб" айвончасида ҳам талабалар тўпланиб ўтирганининг гувоҳи бўлдим. Ҳар доим ёшлар билан ишлашни ёқтиригим, қалбим ҳамisha ёш бўлгани учун талабаларим ёнига талпиндим. Четдан кузатиб турсам, ёшлар битта елим сув идишини бир-бирига қарата айлантириб, ўйин ўйнаётган экан. Билсам, ўйиннинг номи — "Жасорат ёки ҳақиқат".

бошланган заҳоти Президентимиз эътиборимизни худди мана шу масалаларга қаратди. Яъни: — талабаларнинг бўш вақти қандай ўтатиши? — талабалар бизнинг ёшлик пайтларимиздагидек гулхан атрофида тўпланаётгани-йўқми? — ёшлар бугун китоб ва бадий асарларни мутулаа қилияптими? — талабалардаги "олтин давр" руҳи қандай кечаяпти?



Айнан мана шу масалаларни айтиб, давлатимиз раҳбари "Бўйинбоғни ечиб ишланглар, одамларнинг ичига киринглар, улар билан суҳбатлашинглар", деди. Бу гапларнинг маъносини тушуниб, ўйлаб қолдим. Президентимизни худди шу кун талабалар билан гаплашган пайт ёнимизда бўлгандек тасаввур қилдим.

шиб, ҳар жабҳада ёрдам қўлини чўзиш кераклигини таъкидлади. Видеоселектор йиғилиши давомида жуда кўп масалалар эътибор марказида бўлди. Хусусан, мамлакатимизда 30 ёшгача бўлганлар 19 миллиондан ортиқлиги ёки аҳолининг 55 фоизини ташкил қилиши таъкидланди. Меҳнат бозорига ҳар йили 600 минг йигит-қиз кириб келаётган бўлса, келгуси 10 йилда бу рақам 1 миллионга етади. Шу боис, ёшларга сифатли таълим бериш, касб-хунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги йиғилишнинг асосий маззурларидан бири бўлди.

Хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш учун, аввало, ишга қабул қилиш тизимини қайта қўриб чиқиш кераклиги айтилди. Мисол учун, ҳозирда 103 мингдан ортиқ ташкилотда 254 минг бўш иш ўрни бор. Лекин ўтган йили олий таълимни битирган 6 мингдан ортиқ, коллеж



бехуда ўтказилади. Таълим муассасасини тугатиб, ишга жойлаштишга келганда, унда на билим бўлади, на кўникма. Шунинг учун ёшлар, аввало, ўзининг келажагини, режаларини аниқ белгилаб олиб, олий таълимга ҳужжат топширсин, юқоридаги каби рақамлар ҳам камайиши мумкин.

Шунингдек, йиғилишда бугунги кунда 1,5 миллион ёш бўш вақтини чет тилини ўрганишга бағишлангани таъкидланди. Уларнинг бу интилиши рағбатлантирилиб, хусусий марказларда тил ўрганиш харажатларига субсидиялар ажратилиши айтиб ўтилди. Бу фикр ҳақиқатан тўғри. Чунки ёшлар чет тилларини қанчалар мукамал билса, фикрлаш доираси кенгайди, шу билан бирга, юқори маошли ишда ишлаш имкониятига ҳам эга бўлади.

Бир нарсаси ҳам эътибор қилмаган, шидан кеч соат ўн, ўн бирлар атрофида қайтганимда талабаларим қўшимча дарслардан келаётган бўлади. Ақсариятнинг қўлида чет тили дарслиқларини қўриб, қаердан келаётганини сўраша ҳоҳат ҳам қолмайди. Талабаларнинг бу ҳаракатидан жуда қувондим.

Йиғилиш давомида ИТ секторини ривожлантириш борасида ҳам қатор топшириқлар берилди. Хусусан, ИТ-парклар бўйича тажрибадан келиб чиқиб, худудларда "Креатив парк"лар ташкил

этилади. Уларга ИТ-парк резидентларига берилган имтиёз ва энгилликлар қўлланди. Бугун ИТ соҳасини ривожлантириб, жисмоний меҳнат сарфламай, интеллект орқали ҳам давлатга миллиардлаб маблағ олиб келиш мумкин. Бундай салоҳиятга эга ёшлар жуда кўп, уларга берилган имкониятлар ҳам етарли даражада топилади. Ҳиндистон, АҚШ ва бошқа давлатлар бу йўлни аллақачон босиб ўтган. Ўзбекистонда ҳам "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси аста-секин ўз медаларини бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, ушбу видеоселектор йиғилиши ёшларнинг бандлиги муаммо ва масалаларини қамраб олди — ишсизлик, таълим сифати, янги иш ўринлари яратиш, шу билан бирга, уларнинг маънавий онгини ўстириш. Чунки бугун кўпчилик телефон ва интернетга муккасидан кетган. Ёшларнинг бирлашиши, "Team building"лар, узаро суҳбат ва дебатлар камайди. Биз уларни фаолликка чорлашимиз лозим.

Биласизми, олий таълимда ҳар бир ректор, проректор, деканлар ва тьюторларнинг барчаси шуни тушуниши кераки, ёшлар билан ишлаш, давлатимиз раҳбарини айтганидек, бу — миллатимизнинг бош масаласи. Биз улар билан бамисоли ўз фарзандимиз билан гаплашгандек суҳбатлашимиз зарур.

Бизда шакланган яна бир гўзал қадрият устоз-шогирд муносабатларидир. Халқимиз орасида ушбу маданиятнинг ёзилган қондалари минг йилларки қамолга етиб келаётир. Устоз кўрган шогирд, албатта, бошқалардан ажралиб туриши барчамизга аён. Халқимиз "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақома йўрғалар", деб бежиз айтмаган.

Ўзбекистоннинг келажаги ёшлар қўлида. Кўпчилик бу жумлаларни баландпарвоз дейиши мумкин, аммо ундай эмас. Чунки олдингидан фарқли равишда бунга аниқ тизим яратилган, ечим шахсан давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатиб берилган. Қуни кеча бўлиб ўтган, тарихда жуда катта иш қолдирадиган видеоселектор йиғилишида ҳам ёшлар билан ишлашга мутасадди ташкилотлар, жамоатчилик вакиллари ва Ўзбекистон халқи янги тизим яратилганининг гувоҳи бўлди.

Фарзандларимизга илмини эҳсон қилар эканми, ёшларимизнинг келажаги ўрғин бўлиши, уларнинг ҳар томонлама етуқ, буюк алломаларнинг ҳақиқий вориси бўлиб етишишида шак-шубҳага ўрин қолмайди.

Буюк француз публицисти Вольтер айтганидек, "Таълим қўбилатларни ривожлантиради, лекин уларни яратмайди". Етуқ таълим кўникмаларимиз орқали фарзандларимиз қўбилатларини юзга чиқаришда бир тану бир жон бўлайлик.

ТАЪЛИМ

БАРЧА ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА БИЛИМ ВА ТАРБИЯ ТУФАЙЛИ ЭРИШИЛАДИ

Мансур МУСАЕВ, сиёсий фанлар доктори (DSc)

Дунё мафкуравий манзарасига назар ташласак, таҳликали вазиятлар тобора авж олиши кутилмаган хавф-хатар ва таҳдидларни юзга чиқараётгани гувоҳи бўламиз. Афсуски, бундай зиддиятли ва таҳликали жараёнлар, иқтисодий қарама-қаршиликлар қандай оқибатлар билан хотима топишини башорат қилиш қийин.



бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида маърифатпарвар жадид болларимизнинг "Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия тўғрисида эришилади", деган ҳикматини эслатар экан, бу тамойил депутат ва сенаторлар, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бугун давлат бошқаруви жамоаси, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракати айланиши кераклигини айтгани бежиз эмас, албатта. Мурожаатномада мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, уларнинг шароитини яхшилаш 2023 йилда давлатимизнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиши таъкидланган эди.

Янги тахрирдаги Конституцияда давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадриятини ҳимоялаши, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ҳамхўрлик қилиши белгиланган. Бу эса юртимиздаги 685 мингдан ортиқ ўқитувчининг

профессионал ўсиши, ижтимоий ва моддий кўллаб-қувватланиши, жамиятдаги ижтимоий мақоми, обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Ҳар қандай давлат тараққиётининг тамал тоши бевосита таълим ва тарбия масаласига қаратилаётган эътибор билан боғлиқ. Масалан, Францияда бойлар ўз яшаш жойи билан мактабни ўқитувчиларга қўшни бўлишга интилар экан. Германияда ҳам ўқитувчи муносабат ўзгачалигини қўриш мумкин. Германия собиқ канцлери Ангела Меркель норозилик билдираётган шифокорларга қарата: "Маошингиз сизни ўқитган ўқитувчиларнинг иш ҳақидан юқори бўлишини кутмаслигингиз керак", деганди. Буюк Британияда иқтидорли бола ҳақида "У — даҳо, худди ўқитувчидек фикрлайди", дея фахрланишади.

Таълим-тарбия масаласи дунёга машҳур давлат арбоблари эътиборидан ҳеч қачон четда қолмаган. Мустафо Камол Отатуркдан тарбия ҳақида сўрашди: "Авар жумхурият президентини бўлмаганимизда, ким улар эдингиз?" У ўйла-масдан туриб деди: "Тарбия вазир бўлар эдим!"

Отатурк ана шундай фикрлар эди. У ўз истақларига мос авлодни тарбия қилишни истади.

Шарқ ҳикматларида "Агар инсон илим нури билан ўз йўлини ёритмаса, зулмат ва нодонлик кўчасида қолади", дея бежиз таъкидланмаган. Киши қалб-бининг нури илим ва маърифат билан бақувват бўлади. Инсониятнинг қадри ҳам илим билан яралади. Жамиятнинг асосий негизи бўлган таълим ва тарбия жараёнида инсоннинг сифатлари, дунёқарashi ҳамда шахсий ва касбий қўбилатлари шаклланиб, ўсиб боради.

Шунинг учун янги тахрирдаги Конституция лойиҳасида давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадриятини ҳимоя қилиши аниқ мўддадор. Зеро, жамиятни инсон, инсонни эса таълим ва тарбия ўзгартиради. Миллат ва халқнинг ривожини, унинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, авваламбор, ўқитувчилар фаолиятига боғлиқ.

БУГУННИНГ ГАПИ

ХАЛҚИМИЗ ИРОДАСИ ВА ОРЗУ-ИНТИЛИШИ ЖАМЛАНГАН БОШ ҲУЖЖАТ

Расул РАҲМОНОВ, Тошкент шаҳридаги Вебстер университетининг ижрочи директори



30 апрель куни бўлиб ўтадиган умумхалқ референдумини мамлакатимизда демократияни янада мустаҳкамлаш йўлидаги янги саҳифа, десак муболаға бўлмайди. Конституциямизга қилинаётган бир қатор жиддий ўзгаришлар ва қўшимчалар сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва умуман, кенг жамоатчилик эътиборини яхши маънода ўзига жалб этди.

Қувонarli жиҳати, Ўзбекистон ҳукумати конституциявий ислохотлар жараёнига шаффоф ва инклюзив ёндашиб, барча овозлар тингланганини, тақлиф этилаётган ўзгаришлар халқнинг орзу-интилишлари ва эҳтиёжларини акс эттириши таъминлади.

Хусусан, янги тахрирдаги Конституция лойиҳасида инсонга, унинг ижтимоий ҳимоясига эътибор ҳамда мамлакатимиз аҳолисининг яримдан кўпрогини ташкил этувчи ёшларимизнинг билимли ва яхши фазилатларга эга авлод бўлиб етишишни таъминлашга, илм-фанни, таълимни янада ривожлантиришга йўналтирилган қатор моддалар акс эттирилгани аҳамиятга моликдир. Жумладан, ҳозирга қадар "бепул умумий таълим олиш" амалда бўлса, эндиликда "бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олиш" кафолатланиши белгиланмоқда.

Янги тахрирдаги Конституциянинг 51-моддасида "Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли" экани ҳақида ижтимоий ҳимояга йўналтирилган бандлар ўрин

олган. Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга болалар учун инклюзив таълим-тарбия таъминланиши мустаҳкамланмоқда.

Конституциямизнинг янги тахририда ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбия-лашнинг асоси сифатида эътироф этилаётгани кишини қувонтиради. Дарҳақиқат, ёшлар келажаги ҳақида қайғуриш, илм ва касб-хунар эгаси бўлишига қаратилган ҳаракат давлатнинг, миллатнинг эртасини таъминлашга хизмат қилишини ҳаётнинг ўзи исботлаган. Қолаверса, тақлиф этилаётган ўзгаришлар халқро меъёрлар ва демократик бошқаруви соҳасидаги илгор тажрибаларга мос келади. Бизнинг янада инклюзив жамият қуриш йўлида қўйган бу муҳим қадамимиз нафақат мамлакат ичиди, балки халқро ҳамжамияти томонидан ҳам юксак эътирофларга сазовор бўлмоқда.

Бош қонунимизнинг янги тахриридаги яна бир эътибор тортадиган жиҳат шундаки, у амалдаги Конституцияда кўзда тутилмаган таълим соҳасига оид бир неча моддаларни ўз ичига олган. Мисол учун, янгиланган 44-моддани олайлик, унда "Болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига,

ақли ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади" деб қатъий белгиланган.

Демак, янги тахрирдаги Конституциямизда нафақат таълим соҳасидаги нормаларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда, балки халқимизнинг миллий урф-одат ва анъаналарини сақлаш мақсадида айрим моддалар ҳам сезиларли янгиланмоқда. Мисол учун, амалдаги Конституциямизнинг 49-моддасидаги "Маданият ёдогорликлари давлат муҳофазасида" деган жумла ўрнига "Тарихий, маънавий, маданий ва табиий мерос давлат томонидан муҳофазат қилинади. Давлат ва жамият миллий кадрларни ҳимоя қилиш, Ўзбекистон халқи маънавий ва маданий меросининг узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида ҳамхўрлик қилади" каби кенг қамровли тақлифлар берилмоқда.

Халқ иродаси ва орзу-интилишларини ўзида акс эттирувчи янги тахрирдаги Асосий қонунимизнинг референдумга қўйилгани, шубҳасиз, мамлакатимиз тараққиёти учун янги босқич, янги давр бошланганидан далolat беради. Ушбу референдумни шаффоф ва ишончли ўтказиш борасидаги саяё-ҳаракатлар мамлакатимизнинг демократик пойдеворини мустаҳкамлаш орқали демократик ислохотлар сари янада олға силжишини таъминлаш билангина чекланиб қолмай, фуқароларнинг бошқаруви тизими шаффофлигига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилиши турган гап.

Албатта, янги тахрирдаги Конституциямизни қабул қилишга бағишланган референдум мамлакатда демократик бошқаруви ва барқарорлиқни таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир. Ишончимиз комилки, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати — Бош қонунимиз юртдошларимиз томонидан юксак эътирофга сазовор бўлади ва бизнинг манфаатларимизга хизмат қилади. Зеро, ҳаммамиз биргалиқда янада кучли ва обод Ўзбекистонни барпо эта оламиз!

ИНСОН — АЗИЗ, ХОТИРА — МУҚАДДАС

ЎЗБЕККА АЙЛАНГАН
ПОЛЯК ОПА-СИНГИЛЛАРЖалқилизнинг баърикекмишига
қўйилган яна бир ҳайкал

Азалшоҳ ҲАМРОЕВ,
БухДУ тузилмасидаги
Қатагон қурбонлари
хотираси музейи директори

Одамийлик ҳикояси

Бухоро вилояти Шофиркон тумани Тезгузар қишлоғида Зайниш бувининг хонадони доим меҳмонлар билан гажум. Уруш даврининг талафотлари боис, ўз юртидан, ота-онани ва жигарларидан айрилиб, Ўзбекистоннинг оқдигани қишлоқ хонадонига мурғак қалби меҳр-муҳаббат ардоғида вояга етган поляк қизининг тақдирини, бошидан ўтказганлари кўпчилигини бефазр қолдирмайдими.

Онахон билан суҳбатлашсангиз, шу муқаддас дийрда яшаётганингиз, ўзбеклигингиздан фахрлиниб кетасиз, шукроналар келтирасиз. Зайниш бувининг ўзбекларнинг яхшиликка тўла ҳароратли қалби ҳақидаги сўзлари тарих саҳифаларига ёзиб қолдирилган одамийлик ҳикояси эканлигига амин бўласиз.

Тезгузарда Зайниш бувининг уйи қайси, деб тақрасангиз, тақдир қўси билан юртимизга келиб қолиб, тили, дини, миллий урф-одат ва аънавлари болажон ўзбек аёлларидан умуман фарқ қилмайдиган самимий, меҳрибон, зиёли онахон истиқомат қилаётган файзли хонадонни қишлоқ аҳли мамнуният билан сизга кўрсатади.

Жанна Пузевич —
Зайниш Жўраева

Бухоро вилояти архивлари ва Тошкент шаҳридаги Марказий давлат архивларида Бухоро давлат университети тарихи, унинг илк қалдирғоч талабалари ҳақида топган маълумотларимиз бизни Тезгузар қишлоғига бошлаб борди. Бухоро давлат педагогика институти тарихига доир суратларни топдик. Сурат остида "БДПИ аълочи битирувчилари: Зайниш Жўраева ва Саодат Ҳалимова, 1956 йил" деган ёзув бор эди. Бу суратни ўзимиз чоп эттирган "Суратларда БухДУ тарихи" номли китобимизга ҳам киритдик.

2017 йил ноябрь ойида Вазирлар Маҳкамасининг юртимиздаги барча вилоятларда университетлар ҳузуринда Қатагон қурбонлари хотираси музейи ташкил этилиши кўзда тутилган қарори эълон қилинди.

Бухоро давлат университети тузилмасидаги "Қатагон қурбонлари хотираси музейи"ни ташкил этиш вазифаси менга топширилди. Бу масъулиятли ишни вилоятлар кесимида биринчи бўлиб бажарганим, яъни 2018 йил 18 майда мазкур музейнинг очилган муяссар бўлганим кўпчилигини ғурур-ифтихорга тўлдиради. Хизмат вазифам доирасида ўз юртидан депортация қилинган турли миллатлар ҳақида маълумот йиғар эканман, эвакуация қилинганлар рўйхатида поляк миллатига мансуб Жанна Пузевич (Зайниш Жўраева) номига яна дуч келдим. Уша вақтга қадар ҳали бу инсоннинг тақдирини нималар кечгани ҳақида маълумотга эга эмас эдим.

Полякча исмига оҳангдор
ўзбекча исм

Изланишларимиз жараёнида профессор Ш.Пиримқулловнинг "Сургун қилинган поляк фуқаролари Ўзбекистонда" номли монографиясидаги қуйидаги маълумотлар диққатимизни тортди: "1942-1946 йилларда бир қанча поляк болалари Бухоро вилоятидаги маҳаллий аҳоли оилаларига тарбиялаш учун берилди, улар борган жойларида гажумлик ва эътибор кўрди. Улар орасида Данута Шуберт, Жанна Пузевич, Юзеф Маркевич, Сабина ҳамда Владислав Кисель ва бошқалар бор эди. Кейинчалик улардан бир қисмининг ҳаёт йўллари умрбод ўзбек замини билан боғланиб қолди. Масалан, Жанна Пузевич Бухоро вилояти Шофиркон туманининг Тезгузар қишлоғида яшовчи Шароф ота ва Муаззам она Жўраевлар оиласи томонидан фарзандликка олинди, янгича исми ва ота-онасининг фамилияси билан рўйхатга олинган. Жаннани ўз полякча исмига оҳангдор бўлган янги исм билан Зайниш деб аташди. Шу тарихи поляк қизи Жанна Пузевич — ўзбек қизи Зайниш Шарофова Жўраевага айланди. Урушдан кейин у ўзбек мактабини тугатиб, институтга ўқишга кирди ва уни битирган. Тезгузар қишлоғидаги мактабга директор бўлди. Зайниш она шу мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган Ҳасан исми ўзбек илмийга турмушага чиқди, бу бахтли никоҳдан етти фарзанд туғилди".

Тарихий фактларга
муружаат

1941-1945 йилларда Бухоро вилоятига олиб келинган поляк фуқароларига уй-жой берилган, иш билан таъминланган ва ҳар томонлама иқтисодий



ҳимояга олинган. Маълумотларга кўра, эвакуация қилинган поляклар сони Бухоро шаҳрида 3183 киши, жумладан, Карманда (ҳозирги Навоий) 72, Когонда 284, Шофиркон ва Ромитан туманларида 40-70, Жондор туманида эса 14 киши бўлган.



“УРУШ БОШЛАНИШИ БИЛАН ОТАМ КЎНГИЛЛИ БЎЛИБ ФРОНТГА ЖЎНАБ КЕТДИ. ОНАМ 5 БОЛАНИ БОҚИШГА КУЧИ ЕТМАГАНИДАН МЕНИ ВА ОПАМ ТАИСИЯНИ БОЛАЛАР УЙИГА ТОПШИРДИ. БИЗЛАРНИ БОЛАЛАР УЙИДАН ФРОНТ ОРТИГА ЖЎНАТИШГАНДА ОНАМ ВА АКА-УКАЛАРИМНИНГ ТАҚДИРИ ҲАҚИДА ҲЕЧ НАРСА МАЪЛУМ ЭМАС ЭДИ”.



Қорақўл ва Пешку туманларида ҳам полякларнинг яшагани, ҳатто уларнинг қабристони ҳам бўлганини маҳаллий аҳоли орасидаги ёши улғурлар тасдиқлайди. Манбалар 1945 йилда Ўзбекистоннинг 7 вилоятида 16 ёшгача бўлган поляк болалари сони 5389 кишига етганини кўрсатади. Шундан 1063 нафари Бухоро вилоятига тўғри келади. Маҳаллий ҳокимият ташкилотлари ёрдами билан Польша элчихонаси вакиллари томонидан жойларда бирмунча ишлар амалга оширилди: 1942 йилда Бухорода ҳам поляк мактаблари очилди. Унда 210 нафар ўқувчи таълим олган ва 36 нафар поляк ўқитувчиси дарс берган.

2018 йилнинг октябры ойида мен Польшада хизмат сафарига бўлдим. Мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги Шарқ масалалари бўлими ходимлари билан учрашувда ҳам ўзбек халқининг II Жаҳон уруши йилларида поляк халқига кўрсатган беёминнат хизматлари ҳақида гапириб бердим. Жумладан, уруш йилларида Бухоро вилоятида поляк болалар уйлари ташкил этилгани ҳам уларни жуда қизиқтирди.

Архив маълумотларига
назар

Архив маълумотларига кўра, Бухоро шаҳридаги 5-болалар уйида 90 нафар, 23-болалар уйида 53, Ромитан туманида 40, Вобкентда 58, Гиждувонда 44 нафар поляк болалари бошлана топган. Уша вақтда Бухоро вилоятига қарашли бўлган Карманда шаҳридаги 16-болалар уйини ташкил этиш учун бир вақтлар Бухоро мухтори Саид Абдулаҳадхон кўрдиган амришадда бинолардан бири ажратилди. Дастлаб бу ерда 40, 1943 йилдан бошлаб 135 нафар поляк болалари барча қулайликларга эга бўлиб яшаган.

Табиийки, Польша элчихонаси вакиллари поляк қизи Зайниш Жўраеванинг тақдирини билан ҳам қаттиқ қизиқди.

2023 йилда Польша ҳукуматининг янги бир хайрли лойиҳаси доирасида ишлар бошлангани муносабати билан яна Зайниш Жўраевани ёдга олдим ва излашга тушдим. Шофиркон тумани ҳокимлиги мутасаддиларига қаҳрамонимиз ҳақида сўз очсам, улар у кишини яхши билишини айтиб, ўғли Одил аканинг телефони рақамини берди.

Келишилган кунда Тезгузар қишлоғи сари йўл олдик. Бизни илқ кўтиб олган уй эгалари анча ҳужжат ва суратларни жамлаб қўйган экан. Қимматли маълумотларни ўрганар эканмиз, 92 ёшли Зайниш ая очик чехра билан кўчқочиб биз томон келди. Ва ниҳоят, мен Зайниш янани биринчи марта кўришга муяссар бўлдим.

Хушчақчақ ая барча саволларимизга пухта жавоб бериб, биз билан ҳазиллашиб ҳам кўяра, ёшлик хотираларини қайта кўз олдига келтириб дам ўйчан, дам хурсанд бўлиб кетар, сўзининг орасида "Худога шукр", деб қўйишни қанда қилмас эди.

Зайниш ая кундалигидан

Зайниш ая чиройли хуснихат билан тўлдирилган кундалигини менга узатди. Кундалик "Мен, Зайниш Жўраева 1931 йил 19 сентябрда Украинанинг Харьков областига қарашли Изюм шаҳрида туғилганман. 1942 йилга қадар ота-онам тарбиясида бўлиб, Изюм шаҳрида яшаганман", деб бошланади.

10 яшар қизалоқ Жанна опаси Таисия билан 1941 йил кузида фашистлар бомбардирмонидан омон қолиб поездада фронт ортидаги қўёшли Ўзбекистонга жўнатилди. "Уруш бошланиши билан отам кўнглини бўлиб фронтга жўнаб кетди. Онам 5 болани боқишга кучи етмаганидан мени ва опам Таисияни болалар уйига топширди. Бизларни болалар уйидан фронт ортига жўнатилганда онам ва ака-укаларимнинг тақдирини ҳақида ҳеч нарса маълум эмас эди", деб оғир хурсиниб қўйди ая.

Поезда неча бор ажалга чап бериб, бир неча ҳафта йўл босиб, оч, юпун кийинган опа-сингиллар Қизилтепа (ҳозирги Навоий вилояти) станциясига етиб келади. У ердан уларни Дўрмон (ҳозирги Шофиркон тумани) болалар уйига келтирилади. Зайниш ая ўша оғир кунларни шундай эслайди: "Поезд узок йўл юрди. Вагон тирқишдан самолётларнинг парвози ва товуши юракларга даҳшатли кўрқуви соларди. Ёш болаларнинг йиғи-сигилари ҳам тинчимсиз давом этар, бир неча кундан сўнг кўзда ёш ҳам, танда мадор ҳам қолмади. Ва ниҳоят, вагон эшиклари очилиб, барчани тушишга қақширди. Қўтиб олиш учун чиққан ёшу қари инсонлар қўллариди мена, нон ва турли ширинликлар билан бизни сийлади. Барча болалар биз тилини ҳам тушунамайдиган, чехраси ўта меҳрибон инсонлар томонидан бирин-кетин етаклаб олиб кетилди".



Болажон халқ

Бизнинг қаҳрамонларимиз ҳам Ўзбекистонга эвакуация қилинган юз минглаб болалардан бири эди. Болажон ўзбек халқи бу гўдакларни миллати, дини ва тилидан қатъи назар, ўз фарзанди каби бағрига олди.

Кундаликни ўқишда давом этамиз: "Мени чорва ширкатининг раиси Жўраев Шароф ота ва рафиқаси Муаззам ая уйига олиб кетди. Опамни эса бошқа кишилар олиб кетган экан".

Муаззам аянинг ўз фарзанди бўлмагани учун жажжи Зайнишни еру қўрққа ишонмасди. Уни тилларанг сочларини майда ўриб, дўппи ва атлас қўйлақлар кийдириб, ўзбек қизига айлантирди. Йиллар ҳам оқар сув каби тез ўтиб кетди.

Зайниш Шофиркондаги мактабни аъло баҳоларга тугатди. Шароф ота интилувчан қизининг Бухоро шаҳридаги институтда ўқиш нияти борлигини билиб, уни қўллаб-қувватлади. Зайниш 1953-1958 йилларда Бухоро давлат педагогика институтининг "Ўзбек тили ва адабиёти" ихтисослигини муваффақиятли тугатди.

Ота қизи олий маълумотли диплом олган кунни катта дастурхон ёзиб, қишлоққа ош берди. Шароф ота ва рафиқаси Муаззам аянинг шу қизалоқ туфайли орзу-умидлари ушалди. Улар бу фоний дунёда беҳиж яшамаганига шукрона қиларди. Боқиб олган қизини ўзбекона урф-одатлар билан турмушга ҳам берди. Қаҳрамонимиз бирин-кетин етти фарзанднинг севимли онаси, моҳир педагог ва раҳбар бўлиб етишди. Бироқ туғилиб ўсган она юрти, ота-онани, ака-укалари, опа-сингилларининг тақдирини қандай кечгани ҳақидаги уй-хаёллар уни ҳеч тарк этмасди.

“Уруш бизни дунёнинг
турли бурчакларига
улоқтирди”

1976 йил Зайниш опа отаси Қазимир Пузевичдан хат олди. Хатда онаси Анна Яковлевна ва ака-укалари ҳам ҳаёт экани ёзилган эди.

"Сенга отанг Қазимир Қазимирович Пузевич мактуб ёзмоқда. Уруш туваганидан сўнг билдимки, сени ўзбек оиласи фарзанд қилиб олган экан. Бироқ сизларнинг қаерда эканлигини ҳеч ким айтмади. Барча умидларим сўнганига қарамасдан, яна бир бор Изюм шаҳри ЗАГСга хат ёздим. Муъжиза рўй берди! Уларнинг берган жавобига кўра, сен 1951 йилда паспорт олиш мақсадида ўзинингиз йўқолган туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадан нусха сўраган экансан. Шу туфайли сени топдим... Мен сенинг отанг, менинг олдимда сенинг онанг — Анна Яковлевна. Қизалоғим, уруш бизларни дунёнинг турли бурчакларига тўзгитиб ташлади. Умид қиламанки, яқинда ҳаммамиз она шаҳримиз — Изюмда бирага жам бўлаемиз. Сен ҳақдаги хабар юракларимизни парча-парча қилиб юборди..."

Хатда опаси Таисиянинг қаердалиги ҳам суралган эди. Шунда Зайниш опа поездада қаттиқ қўл ушлашиб Дўрмонгача бирга келган опасини излашга киришди. Тиниб-тинчимас Шароф ота қишлоқ радиоси орқали эълонлар ўқиттирди. Зайниш опа ўз суратини жойлаган, опасини излаётгани ҳақидаги хабарлар маҳаллий газета орқали тарқалди. Кутилмаганда редакцияга жавоб хати келади! Маълум бўлишича,

35 йил давомида Зайниш опаси Таисия билан бир-бирдан бор-йўғи 10 чақирим узоқликда яшаган... Уларнинг 35 йилдан сўнг учрашиши катта шов-шув, байрамга айланиб кетган экан.

Узоқ айрилиқдан сўнг 1976 йилда жасоратли Зайниш опамиз ота-онасини кўриш учун Украинага йўл олади. Изюм шаҳри аэропортида қариндошлари билан яна диждор кўришиш nasib элади. Зайниш опа ота-онасидан ўзининг поляк миллатига мансуб эканлигини билиб олади. Отаси Қазимир Пузевичларнинг бир неча авлди Польшадан Харьков областига кўчиб келиб яшаётган поляклардан эканини сўзлаб беради.

Ўзбек халқига чексиз
миннатдорлик

Кейинчалик Зайниш опанинг отаси Қазимир Пузевич ҳам Шофирконнинг Тезгузар қишлоғига меҳмон бўлиб келади. Икки қизини фарзанд ўрнида кўриб, бағрига босиб катта қилган ўзбек халқига чексиз миннатдорчилигини изҳор қилиб қайтади. Айтишларича, юрагининг бир парчаси бўлган ҳар иккала қизининг бахтидан чексиз хурсанд бўлган ота узоқ яшамади.

Иккинчи қаҳрамонимиз Таисия Қазимировна Пузевич 1929 йил 25 майда Харьков областининг Изюм шаҳрида туғилган. 1941 йилнинг кузида Таисия яна бошқа бир савобталаб ўзбек оиласи фарзандликка олади. Хуллас, опа-сингиллар бошқа-бошқа оилалар фарзанди бўлиб вояга етади. Таисия Пузевич Кўли Одина қишлоғидаги ўрта мактабни битирган, колхозга ишга кириди ва 1959 йилда Музаффар Олимовга турмушга чиқади.

Эр-хотин тўрт ўғил ва бир қизни вояга етказди. Элнинг хурматини қозонган Таисия опа 2014 йилда 85 ёшда вафот этган экан. Онахон бугун орамизда бўлмасда, у кишининг фарзандлари, невар-эваралари бутун бир қишлоқ бўлиб тарқалган. Таисия ватан тугган Вобкент туманига қарашли Қўли Одина қишлоғи сари йўл олди.

— Раҳматли онамнинг сўзларига қараганда, — деб гап бошлади опанинг ўғли Карим ака, — очликдан шибиб кетган, силласи қуриган эшелон-эшелон уруш болалари ўзбек хонадонларида кўчқочиб кўтиб олинган экан. Яқинларидан айрилган, уруш даҳшатларидан кўрқиб қолган ёш болаларни, жумладан, менинг онам, 12 яшар Таисияни Акрам бобо ва Очил буви фарзандликка олган. Бу оила узоқ йиллар давомида тирноққа зор бўлиб яшаб келган. Ёш Таисияга бўлган меҳр кучи бўлса керак, Очил буви ва Акрам бобо кейинчалик бир этак фарзанд кўрган. Раҳматли онамиз Таисия Қазимировна 35 йиллик айрилиқдан сўнг синглиси Жанна — Зайниш Жўраева билан топилган.

Сўнги сўз

Ҳар иккала хонадонда бўлганимизда ахил оила аълоларини, шукроналик ҳисси билан яшаётган, чехраси еруғ инсонларни кўрдик. Иккала опа-сингилнинг ўзбек халқига нисбатан чексиз миннатдорлиги, шукроналик ҳисси уларнинг фарзандларига ҳам ўтган. Айниқса, бугунги кунда уруш даҳшатларининг тирик гувоҳи бўлмиш 92 ёшли Зайниш момонинг ҳаёт йўли, иродаси минглаб ёшларимиз учун ибрат тисмоси бўлиб келмоқда.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуриндаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-446.
11413 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Гуличехра Дурдиева
Мусаҳҳир: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилнинг:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўза яқини — 00-20 Топширилди — 02-05